O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 27 январь, № 18 (3563) Пайшанба




***Мамлакатимизда илк марта ўтказилган икки палатали парламент сайлови жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Даставвал, халқимизнинг хоҳиш-иродаси қуйи — Қонунчилик палатасининг доимий таркибда фаолият кўрсатадиган 120 нафар депутатини белгилаб берди. Олий Мажлиснинг юқори палатаси — Сенатнинг эса ҳар бир ҳудуддан олти нафардан, жами 84 аъзоси маҳаллий Кенгашлар қўшма мажлисларида сайланди. Конституциямизнинг 77-моддасига мувофиқ, 16 нафар сенатор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланди. Бир сўз билан айтганда, мамлакат қонун чиқарувчи олий органи тўлиқ шаклланди.***

***Бугун Тошкентда Сенат ва Қонунчилик палаталарининг биринчи мажлислари очилади. Илк марта шаклланган икки палатали парламент сенаторлари ва депутатлари ўз фаолиятларини бошлашлари арафасида нималар ҳақида ўйлашяпти? Қуйида улардан айримларининг фикр-мулоҳазалари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.***



# САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ТИЛАЙМИЗ

**Мархабат БОЛТАБОЕВА, Сенат аъзоси, Чорток тиббиёт коллежи директори:**

— Очиғи, жуда ҳаяжондаман. Муҳташам бинога илк қадам босаётиб, Наманган аҳлининг менга билдирган ишончидан кўнглим ифтихорга тўлди. Бу ҳам масъулият, ҳам шараф белгиси. Халқимнинг ишончини, албатта, оқлайман, деб ўз-ўзимга сўз беряпман. Қолаверса, сайловларнинг адолат тамойиллари асосида ўтганлиги биз аёлларга юрт учун фидойилик кўрсатиш зарурлигини яна бир карра намоён этишга имкон берди. Ватанимизнинг равнақ топиши, гуллаб-яшнаши учун бор билимимни, ақл-заковатимни астойдил сарфлайман.

**Мирзамашраб КУЧЧИЕВ, Сенат аъзоси, Бекобод тумани ҳокими:**

— Мамлакатимиз тарихида илк маротаба шакллантирилган икки палатали парламент юртимизни янада тараққий эттиришда, халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишда ўзини оқлайди, деб бемалол айтиш мумкин. Негаки, Ўзбекистон бугун дунё мамлакатлари билан бўйлашмоқда. Сенат мажлисларидаги масалалар муҳокамасида ана шу мезондан келиб чиқса, фойдадан холи бўлмайди.

Ҳаяжонимни яширмайман, Сенат аъзолиги зиммамга қанчалик масъулият юклаётганлигини ҳис қилиб турибман. Биз бу ерда янги қонунчилик жорий қилишда ўз ҳиссамизни қўшамиз, фикрлашамиз, керак бўлса баҳслашамиз. Шу билан бир қаторда, елкамиздаги масъулият ҳиссини сезиб, бор куч-ғайратимизни заҳматкаш халқ учун сарфласак, дейман.

**Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ, Сенат аъзоси, Тошкент давлат юридик институти ректори:**

— Олдимизда улкан вазифалар турибди. Жамиятда эҳтиёж сезилган қонунларни қабул қилиш, уларнинг ижросини таъминлашда зарур шароитларни яратиш — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлиши учундир. Айни дамда юртимизнинг дунё мамлакатлари орасида ўз мавқеи, даражасига эга бўлаётгани мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган барча юртдошларимизни бирдек қувонтиради. Гапнинг лўндасини айтганда, Сенатга сайланганлар ўзларига билдирилган ишончни, албатта, оқлайдилар.

**Клара ЖУМАМУРОДОВА, Қонунчилик палатаси депутати (97-Урганч сайлов округи):**

— Биринчи марта депутат бўлиб сайланишим. Округимиздан беш номзод кўрсатилган эди. Шу боис депутатлик мандати учун кураш ниҳоятда қизғин кечди. Сайлов халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги янада ўсганлигини кўрсатди. Мен асли тадбиркорман. Дастуримни шундан келиб чиқиб тузган эдим. Мана, энди дастурий ғояларимни амалга оширишга киришаман. Уларни келгусида қонунларда акс эттириб, юртимиз равнақига ҳисса қўшолсам, сайловчиларим ишончини оқлаган бўлур эдим.

**Абдулла АБДУНАЗАРОВ, Қонунчилик палатаси депутати (110-Китоб сайлов округи):**

— Аввало, сайлов демократик тамойиллар асосида ўтди. Округимизда такрорий овоз берилгани ҳам шундан далолат беради. Мен сайловолди тарғибот-ташвиқот жараёнида мавжуд муаммоларни ҳам яқиндан ўргандим. Масалан, ишсизлик муаммосини олайлик. Уни ижобий ҳал этиш учун янги иш ўринлари яратишни назарда тутадиган алоҳида қонун қабул қилишга эҳтиёж бор, деб ўйлайман. Чунки бу муаммони ечмай туриб аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш қийин. Шунингдек, иқтидорли ёшлар қобилиятини тўла ишга солиши учун олий ўқув юртларининг контракт-тўлов механизмини ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак, назаримда.

Амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш учун тегишли ташкилот ва муассасалар фаолиятини кучайтириш лозим. Шунингдек, жорий қонунлар мониторингини олиб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. У яратилажак қонунларнинг мукаммал бўлишига хизмат қилади.



**«Халқ сўзи» мухбирлари Худойберди ЭШМАНОВ ва Зиёда АШУРОВА ёзиб олишди. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

## Маърифат соати

# ҲАР ДОИМ БЎЛСИН КИТОБ!

***Мустақил ривожланиш йилларида ҳар томонлама етук, янги авлодни тарбиялаб етиштириш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўринбосарларни етук шахслар этиб тарбиялаб камолга етказишда эса китобларнинг ўрни ва хизмати катта. Тўғри, болалар тарбиясида матбуот, компьютер, интернет, телевидение ва радио кам аҳамиятга эга эмас. Аммо китобнинг ўрни барибир бўлакча.***

Шу боисдан мамлакатимизда таълимнинг барча босқичларини зарур ўқув адабиётлари ва қўлланмалар билан таъминлаш, уларни замон талаблари савиясида янгилаш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда. Миллион нусхаларда янги дарсликлар чиқарилмоқда, уларга миллиард сўмлаб маблағлар сарфланмоқда. Танловлар эълон қилинмоқда. Дарсликларни яратишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланилмоқда ва инвестицион ҳамкорлик қилинмоқда. Бундай меҳнат ўз самарасини ҳам бера бошлади. Болаларимиз халқаро андозалардаги билимларга эга бўла бошладилар. Битта далил шуки, мактабларда, лицейлар ва коллежларда таълим олаётган ўқувчи ёшларнинг хорижий давлатларда ўтаётган халқаро олимпиадаларда юксак ўринларга сазовор бўлаётганлари тобора кўпайиб бораяпти. Президентимизнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак», деган орзуси амалга ошмоқда.

Мамлакатимизда фақат дарслик китоблар эмас, балки болалар учун, мактаб кутубхоналари учун бошқа, ранг-баранг йўналишлардаги китобларни чоп этиш йўлида саъй-ҳаракатлар бўляпти. Масалан, яқинда лотин ёзувидаги ўзбек тилида анча маҳобатли ҳажмдаги «Болалар энциклопедияси» нашрдан чиқарилди. Энциклопедия болаларимизга билимнинг ҳамма соҳалари бўйича кенг ва замонавий маълумотлар беради. Қани энди, бу қомусий китоб ҳар бир хонадонга кирса ва болаларимиз ақл-идроки, дунёқараши ундан баҳраманд бўлса!

(Давоми 4-бетда).

# ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ).***

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида "Самарқанд — Ғузор — Термиз автомобиль йўлини сақлаш ва таъмирлаш" лойиҳасини амалга ошириш доирасида зарур техникавий воситалар ва асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида алмашув ноталари имзоланди.

Япониянинг "Тараққиёт учун расмий ёрдам" (ODA) дастури доирасида кўрсатилаётган мазкур беғараз ёрдамнинг умумий қиймати 976 миллион япон иенига тенг. Бугунги кунгача Кунчиқар мамлакат томонидан Ўзбекистонга турли лойиҳалар бўйича ажратилган маблағнинг умумий миқдори эса салкам 1,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев ҳамда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото имзолади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 27 январь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисига келган Қонунчилик палатаси депутатлари 27 январь куни соат 8.00 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 27 январь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биносида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлисига келган Сенат аъзолари 27 январь куни соат 13.00 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида рўйхатга олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

***26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сиёсий партиялардан сайланган депутатларнинг мажлислари бўлиб ўтди. Ушбу мажлислар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун талаблари доирасида ташкил этилди.***

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган 41 нафар депутат партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясини тузишга қарор қилди. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Адҳам Шодмонов фракция раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 28 нафар депутат ҳам Қонунчилик палатасида ушбу партиянинг манфаатларини ифодалаш мақсадида фракция тузишга келишиб олди. Мажлис қатнашчилари Халқ демократик партияси марказий кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамовни фракция раиси этиб сайладилар.

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг мажлисида ушбу партиянинг 18 нафар вакили парламентнинг қуйи палатасида ўзлари мансуб партия фракциясини туздилар. Фракция раислигига Фидокорлар миллий демократик партияси марказий кенгаши биринчи котиби Ахтам Турсунов сайланди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 11 нафар депутати иштирокида ўтган мажлисда ушбу партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси тузилди. Депутатлар фракция раислигига партия марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедовни сайладилар.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган 10 нафар депутат ҳам партиянинг парламент қуйи палатасидаги фракциясини ташкил этди. "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмуҳамедова фракция раиси этиб сайланди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлиси арафасида ўтказилган ушбу йиғилишларда депутатлар парламент қуйи палатасининг биринчи мажлиси кун тартибига киритилган ташкилий масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

**(ЎзА).**

# БАТАФСИЛ ЎҚИБ-ЎРГАНИЛМОҚДА

"Доимий равишда фаолият юритадиган профессионал парламентнинг шакллантирилиши шуни кўрсатадики, давлатни ислоҳ қилишда биз етилиб келаётган ва давр илгари сураётган ўзгаришлар жараёнининг қонунчилик асосига принципиал аҳамият беряпмиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳозирги кунда мамлакатимизда парламент тимсолида шундай бир восита яратилмоқдаки, биз унинг ёрдамида халқ ҳокимиятини, фуқаролик жамияти асосларини сезиларли даражада мустаҳкамлай олишимизга ишончим комил. Бу жараёнларнинг пировард натижаси демократик давлатни барпо этишдан иборатдир".

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Независимая газета" (Россия) мухбири билан суҳбатидан келтирилган ушбу фикрлар мамлакатимизда илк бор шакллантирилган икки палатали парламент ўзининг дастлабки мажлисларини ўтказаётган шу кунларда, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг қайд этишича, янги парламент олдида турган энг долзарб вазифа — ислоҳотларни янада жадаллаштиришга хизмат қиладиган мукаммал қонунларни яратишдир. Бу мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал қилишда муҳим омил бўлади.

Ислом Каримовнинг "Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди" сарлавҳали суҳбатида кўтарилган масалалар турли ташкилот ва корхоналарда, илмий муассаса ва ўқув даргоҳларида, маҳаллаларда батафсил ўқиб-ўрганилаяпти.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам мамлакатимиз раҳбарининг мазкур суҳбатида билдирилган фикрларни ўрганишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этган тадбирда давлатимиз раҳбарининг мулоқотида мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат ва жамият қурилиши соҳасида, суд-ҳуқуқ тизимида, иқтисодиёт тармоқларида, таълим ва маънавиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти теран очиб берилгани таъкидланди.

Президентимиз Марказий Осиё минтақаси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни, халқаро миқёсдаги сиёсий воқеаларни ғоятда теран таҳлил этган. Халқаро терроризмчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор қаратган.

Йиғилиш иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг суҳбатида баён этилган фикрлар барча соҳа ходимлари фаолиятида муҳим дастуриламал бўлишини алоҳида таъкидладилар.

**(ЎзА).**

# ҲАЖ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

***Истиқлол туфайли бу йил ҳам тўрт минг нафардан кўпроқ юртдошимиз ҳаж амалларини шукроналик билан адо этди. 25 январь куни "Тошкент" халқаро аэропортида ҳожиларнинг дастлабки гуруҳи кутиб олинди.***

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид Баҳромов бу йилги ибодатнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, мустақил диёримиздан Саудия Арабистонига борган юртдошларимиз ҳаж амалларини ихлос-эътиқод билан адо этиб, мамлакатимизга эсон-омон қайтмоқдалар. Улар ҳаж амалларини бажараётиб, ўзлари ва яқинлари ҳақига дуо қилиш баробарида она Ўзбекистонимизнинг тинчлигини, доимо барқарор ривожланишини, фуқароларимизнинг аҳиллик ва ҳамжиҳатликда ҳаёт кечиришини, муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг эл-юрт манфаати, Ватанимиз равнақи, халқимизнинг осойишталиги ва фаровонлиги йўлида олиб бораётган барча хайрли ва савобли ишларида Тангри таолодан муваффақиятлар сўрадилар.

Ҳар галгидек бу йилги сафарни ҳам амалга оширишда ҳукуматимиз томонидан барча зарур шарт-шароит яратиб берилди. Ҳожиларимиз амалларни бажариш чоғида уларга ихлос билан хизмат қилган Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлари вакилларига ўз миннатдорлигини изҳор этиб, ҳақларига астойдил дуолар қилдилар.

**Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

Депутатни, сенаторни мажбурий келтиришга, шунингдек унинг уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорти воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Депутат, сенатор тегишли палатада овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар шундай хатти-ҳаракатлар муносабати билан депутат, сенатор ҳақорат қилишга, туҳмат қилишга ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган бошқа қонунбузарликларга йўл қўйган бўлса, у дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда жавобгарликка тортилади.

**14-модда. Депутатни ва сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби**

Депутатни, сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тегишли палатаси томонидан ўн кун ичида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг депутатни жиноий жавобгарликка тортиш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони қўллашга розилик олиш тўғрисидаги тақдимномаси Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда эса, унинг Кенгаши томонидан кўриб чиқилиб, Қонунчилик палатаси Кенгашининг ушбу масалага доир қарори кейинчалик Қонунчилик палатасининг сессиясида тасдиқланади. Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Сенат томонидан унинг мажлисида,

10

лишув комиссияси таркибига сайланган бўлса, шу қўмита, комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг регламентларида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт.

Қонунчилик палатаси, Сенат, қўмита, комиссия, келишув комиссияси мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда депутат, сенатор бу ҳақда тегишинча Қонунчилик палатасининг Спикерига, Сенат Раисига, қўмита, комиссия раисига, келишув комиссиясининг тегишли палатадан сайланган ҳамраисига олдиндан хабар қилиши шарт.

Депутатнинг, сенаторнинг зиммасида қонунларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**9-модда. Депутатнинг сайловчилар билан, сиёсий партия билан олиб борадиган ишлари**

Депутат ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқа боғлаб туради, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифода этади.

Депутат ўзига сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқади, уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради, фуқароларни қабул қилади.

Депутат вақти-вақти билан, аммо йилига камида бир марта, сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот беради.

Депутатга сайловчилар билан олиб бориладиган ишлар учун Қонунчилик палатасининг Регламентида белгиланадиган тартибда муайян кунлар ажратилади.

Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун депутатга зарур шарт-шароит таъминланади. Ижро этувчи ҳокимият органлари унинг илтимосига кўра бино ажратилишини ташкил этадилар, депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилинадиган вақт ва жой ҳақида фуқароларга хабар берадилар, қабул

7

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг (бундан буён матнда депутат деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг (бундан буён матнда сенатор деб юритилади) ҳуқуқларини, мажбуриятларини ҳамда депутатлик, сенаторлик фаолиятининг асосий кафолатларини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Депутат**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайланган ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси депутат ҳисобланади.

**2-модда. Сенатор**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига (бундан буён матнда Сенат деб юритилади) сайланган ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

2

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

## "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ҳамда Сенатини шакллантириш якунларига кўра амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг депутати мақомини тартибга солувчи қонун-

15

кириш тартиби қонунда белгиланади.

**16-модда. Депутатнинг ва сенаторнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари**

Депутатнинг, сенаторнинг тегишли палатада ишлаган вақти умумий иш стажига ва аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг раҳбарлари ўз ваколатларини ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятидан ажралмаган ҳолда амалга ошираётган сенаторни у ўзининг сенаторлик вазифаларини бажарадиган вақтда, унинг иш жойи (лавозими) сақланган ҳолда, ишдан озод қилишлари шарт. Сенаторлик вазифаларини бажараётган вақтда сенаторнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Депутатга, сенаторга ҳар йили ўттиз олти иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади, қонун ҳужжатларида кўпроқ муддатли таътил назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ҳар йилги меҳнат таътили депутатга, қоида тариқасида, Қонунчилик палатасининг сессиялари оралиғидаги даврда берилади.

Қонунчилик палатаси ёки Сенат тарқатиб юборилган тақдирда депутатга ёки Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторга ишдан бўшатиш нафақаси тўланади ҳамда ишга жойлашиш даврида қонунда белгиланган тартибда ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

**17-модда. Депутатни ва сенаторни ҳарбий йиғинлардан озод қилиш**

Депутат, сенатор ўз ваколатлари амал қилаётган муддат мобайнида ҳарбий йиғинлардан озод қилинади.

**18-модда. Депутат ва сенатор фаолиятининг ахборот ҳамда моддий-техника таъминоти**

Қонунчилик палатаси девони, Сенат девони тегишинча депутатни, сенаторни ҳужжатлар, зарур ахборот ва маълумот материаллари билан таъминлайди, шунингдек депутатлик, сенаторлик фаолияти билан

12

мумкин эмас.

Сенатор қонун ҳужжатларига мувофиқ Сенатда доимий асосда ишлаши мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

### II. ДЕПУТАТНИНГ, СЕНАТОРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**7-модда. Депутатнинг ва сенаторнинг ҳуқуқлари**

Депутат, сенатор тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида кўриб чиқилаётган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

Депутат, сенатор:

палатанинг органларига сайлаш ва сайланишга;

палата мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;

палата мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;

қарор лойиҳалари ва уларга тузатишлар киритишга;

палата томонидан тузиладиган органларнинг шахсий таркиби ҳамда сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;

мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;

парламент сўрови билан мурожаат этишга;

ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга;

5

бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;

у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

у вафот этган тақдирда;

палата тарқатиб юборилган тақдирда.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сенатор этиб сайланган депутати ваколатларининг муддатидан илгари тугатилиши унинг сенаторлик ваколатлари тугатилишига олиб келади.

Алоҳида ҳолларда депутатнинг, сенаторнинг ваколатлари тегишинча Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Депутат, сенатор деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Депутатнинг, сенаторнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас.

**5-модда. Депутатнинг ва сенаторнинг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони**

Депутатда, сенаторда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан бериладиган тегишли гувоҳнома ва кўкрак нишони бўлади. Депутат, сенатор гувоҳнома ва кўкрак нишонидан ўз ваколатлари муддати мобайнида фойдаланади.

Депутатнинг, сенаторнинг гувоҳномаси ва кўкрак нишони тўғрисидаги низом, шунингдек бундай гувоҳнома ва нишон намуналари ҳамда тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

**6-модда. Депутатнинг ва сенаторнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги иши**

Депутат Қонунчилик палатасида доимий асосда ишлаши лозим ҳамда ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши

4

боғлиқ масалалар бўйича мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштиради.

Депутатга, сенаторга техник воситалар, алоқа воситалари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш учун шарт-шароит яратилади.

Депутатга, сенаторга депутатлик, сенаторлик фаолияти билан боғлиқ харажатлар учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайдиган маблағ тўланади.

**19-модда. Депутатга ва сенаторга хизмат хонаси бериш**

Депутатга, сенаторга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли палатасининг биносида идора мебели, зарурий техника воситалари ва девонхона ашёлари билан жиҳозланган алоҳида хизмат хонаси (ёки хизмат хонасида иш жойи) берилади.

**20-модда. Депутатнинг ва сенаторнинг транспортда текин юриш ҳуқуқи**

Депутат, сенатор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортида (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

Депутат, сенатор аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йўл вокзаллари ҳамда станцияларининг расмий шахслар ва делегациялар учун мўлжалланган залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Депутат, сенатор ўз гувоҳномасини кўрсатганидан кейин темир йўл вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиацияси агентлиги ёки аэропортлар унга поезднинг ётоқли ёки юмшоқ ўриндиқли вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой беришлари шарт. Депутат, сенатор палатанинг мажлисига бораётганда унга самолёт чиптаси парвоздан камида икки соат олдин, бошқа ҳолларда эса, камида бир сутка олдин берилади.

Чиптасида ўриндиқнинг тартиб рақами ҳам кўрсатиладиган шаҳарлараро, шунингдек шаҳар атрофи-

13



# ҲАР ДОИМ БЎЛСИН КИТОБ!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин болалар китоблари ва китобхонлигининг ҳозирги айрим муаммолари тўғрисида ўйлар эканмиз, улардан энг жиддийси, болаларда китобга қизиқишни, ихлосни тарбиялашга эътиборнинг сустлигида деб ҳисоблаймиз. Мактаблар, лицейлар ва коллежларнинг кутубхоналари захирасида асосан дарсликлар, ўқув қўлланмаларига кўзингиз тушади. Бироқ болаларимиз дунёқарашини, интеллектуал оламини, маънавиятини қўшимча равишда чархлайдиган бошқа илмий-оммабоп, адабий-бадиий ва информацион адабиётлар ниҳоятда кам.

Яна бир муаммо — бевосита оилаларимизда китобга муносабатнинг кўнгилдагидай эмаслигидир. Биз юқорида ўзбек тилида «Болалар энциклопедияси» чиқарилганлиги тўғрисида қувониб гапирдик. Аммо унинг 9 минг сўмдан зиёдроқ нархда эканлиги кўп ота-оналарни ўйлатиб қўяди. «Бунча пулга болаларга кийим, озиқ-овқат, оёғига пойабзал олиб берсак, яхши эмасми?» — деб ўйлайдиган ота-оналар ҳам озмунча эмас. Бизнинг заифлигимиз — ана шунда. Яъни бу заифлик — маънавий дунёқарашдан кўра маиший дунёқарашнинг устунлигида. Биз, катталар, китобга муносабатни ўзгартиришни ўзимиздан бошлайлик. Ҳалиги энциклопедияни болаларингизга олиб келиб ҳадя этингчи, уларнинг хурсандчилиги сиз уларга олиб берган кийим ва таомлардан зиёд бўлса зиёдки, асло кам бўлмаслигига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Ҳа, болаларда китобга муҳаббатни, энг аввало, оилада уйғотиш лозим.

Яна бир масала — болалар учун китоблар ноширлиги билан боғлиқ. Гап шундаки, бизда болалар учун китоблар дейилганида, асосан, эртаклар, адабий-бадиий асарлар нашригина тушунилади. Ҳолбуки, болаларимиз турли-туман китобларга қизиқадилар. Масалан, нега улар шахмат адабиётларига эга бўлмаслиги керак? Ёки хорижий тилларда нашр этилаётган илм-фан, техника, санъат, археология, тарих, меъморчилик, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа соҳалар бўйича болаларга атаб содда, қизиқарли тилда ёзилган илмий-оммабоп китоблардан нега бизнинг болаларимиз бенасиб? Нима олимларимиз болалар учун машҳур алломалар ҳаёти ва илмий йўналишлари тўғрисида, тарихдаги оламшумул илмий кашфиётлар, ихтиролар, ғоялар, назариялар тарихи ҳақида қизиқарли, тушунарли китоблар ёзишга кучлари етмайдими? Биз болаларимизни ҳар томонлама малакали тарбиялаб ўстирадиган турли йўналишдаги қизиқарли китобларни нашр этишимиз зарур.

Болалар учун китоб ярата олиш малакаси, профессионаллик — яна бир долзарб масала бўлиб қоляпти. Бундай малаканинг етишмаслиги ҳатто дарсликларда ҳам сезилади. Менинг қўлимга 6-7-синфлар учун Францияда нашр этилган дарслик тушиб қолди. Гўзал, болаларбоп безалган муқова, ички саҳифалардаги матнлар эса қисқа, лўнда. Аммо кўпроқ тарихий мавзуларни очувчи расмлар, хариталар. Бир сўз билан айтилганда, бу китоб болаларбоп тилда ёза оладиган тарихчи-педагог олимлар ва рассомларнинг астойдил ҳамкорлигида туғилган нодир бир асар! Энди ўзимизнинг 6- ва 7-синфлар учун яратилган тарих дарсликларини варақладим. Улар ўта илмий ва зерикарли академик услублардаги китоблар... Бунинг устига, расмлар кам ва борлари ҳам анча юпун мазмунли. Китоб полиграфик жиҳатдан рангсиз, туссиз...

Дарсликлар ҳам майлига. Болалар учун чиқарилаётган бадиий асарлар, эртак китобларнинг безалишида ҳам кучли ва қизиқарли фантазиялар етишмайди. Болалар учун турли йўналишларда илмий-оммабоп китоблар ёза оладиган мутахассис муаллифларни топиш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга шарт-шароитлар яратиш ўйлаб кўрса арзийдиган муҳим ташкилий-ижодий вазифадир. Шунингдек, болалар китоблари устида моҳирона ишлай оладиган рассомларни ҳам тарбиялаш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бизда Искандар Икромов, Тельман Муҳаммедов сингари донгдор рассомлар болалар китобларини моҳирона безашган. Ҳозир уларнинг издошларига эҳтиёж катта.

Болаларда китобга қизиқиш сустлашиб боряпти, деган гапларни эшитиб турамиз. Бу нотўғри қараш. Болалар дунёда ҳамма нарсага қизиқувчан халқ. Жумладан, улар китобларни ҳам севади. Фақат биз, катталар болалардаги бундай қизиқишларни рағбатлантиришимиз, ўстириб-ривожлантириб боришимиз зарур. Кўп нарса бизга боғлиқ. Биз китобни эъзозласак, болаларимиз ҳам китобларга меҳр қўяди.

Болалар ўзларининг машҳур бир қўшиғида: «Ҳар доим бўлсин Қуёш, ҳар доим бўлсин Онам, ҳар доим бўлайин Мен!» деб куйлашади. Агар биз тарбияни тўғри йўлга қўйсак, улар: «Ҳар доим бўлсин китоб!» деб ҳам баралла куйлай бошлайдилар. Бу эса қандай яхши!

**Михли САФАРОВ.**

## Спорт

### Москвадаги ғалаба

23-24 январь кунлари Москва шаҳрида таэквондонинг ИТФ йўналиши бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди.

Ўндан ортиқ давлатлар спортчилари қатнашган мазкур мусобақада ангренлик Шоҳруҳ Ўрмонов ва қашқадарёлик Низомиддин Шодиевлар ўз вазн тоифаларида олтин медалларга сазовор бўлдилар ва махсус кубок билан тақдирландилар. Шунингдек, халқаро турнирда ҳакамлик қилган вакилимиз Қаҳрамон Сатторов мусобақанинг энг яхши ҳаками, деб эътироф этилди.

Сўнгги соатда

### Бош мураббий ўзгарди

Кеча "Шодлик палас" меҳмонхонасида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон футбол федерацияси вакили расмий баёнот берди. У келаси йили Германияда ўтказилаётган жаҳон чемпионати иккинчи босқич саралаш учрашувлари бошланишига икки ҳафта қолганда, миллий терма жамоамизга янги бош мураббий этиб, германиялик мутахассис Хайнц Юрген Гёде тайинланганлигини маълум қилди. Х. Гёде учун ўзбек футболи бегона эмас. У бундан аввал ёшлар терма жамоамизда ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатган. Сўнгги пайтларда у бош мураббий Равшан Ҳайдаровга маслаҳатчи бўлиб ишлаётган эди. Равшан Ҳайдаров бундан буён терма жамоамизда катта мураббийлик қилиш билан бирга, олимпия терма жамоамизни ҳам бошқаради.

Терма жамоамиз ўқув-тайёргарлик машғулотларини Қибрай туманидаги базасида давом эттиради. Легионерларимиз ўқув-йиғин машғулотларига 1 февраль куни қўшилишади. Максим Шацких, Миржалол Қосимов, Владимир Маминов, Олег Пашинин, Илёс Зейтуллаев ва бошқа тажрибали ўйинчиларимизнинг барчаси 9 февраль куни Саудия Арабистони терма жамоаси билан бўладиган учрашувда иштирок этиши кутилаяпти.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъмурияти «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари Зоир Исожоновга онаси

**ТОЖИХОН** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси жамоаси компания масъул ходими

**Фарҳод СОЛИЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби котибият бошлиғи ўринбосари Н. Ачиловага отаси

**Гияс АЧИЛОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Тошкент халқаро радиоси» бошқармаси жамоаси «Ватандош» муҳарририяти катта муҳаррири Фотима Ғозиевага онаси

**ТАМАРА** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Аллия бошқармаси жамоаси бошқарма катта маслаҳатчиси Пирмамат Боймуродовга падари бузруквори

**НУРМУҲАММАД** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси профессор С. Х. Абдураззоқовага турмуш ўртоғи

**Ўлмас АБДУРАЗЗОҚОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 063. 30475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[Т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Анвар.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 21. 50 1 2 3 4 5